

4K ВИДЕОСТУДИЯ ЁРДАМИДА ВИДЕОМАШҒУЛОТЛАРНИ ТАСВИРГА ОЛИШ ТАРТИБИ

Рахимов Жавохир Октябрович

*Қарши муҳандислик иқтисодиёт институти “Ахборот
технологиялари” кафедраси ассистенти*

Аннотация. Мақолада глобал Интернет тизимининг ривожланиши натижасида олий таълим ўқув жараёнида телекоммуникация технологияларининг роли ҳамда масофавий таълимни ташкил этишининг истиқболлари ёритиб берилган. Ахборотлашган жамият ва ахборотлашган таълим тизимларининг моҳияти, ахборотлашган жамиятда масофавий таълим ва масофавий ўқитишнинг аҳамияти асосланган. СОВИД-19 пандемияси даврида бутун дунё бўйлаб таълим тизимининг барча тармоқлари масофавий ўқитиш тизимига ўтилганлиги таъкидланиб, Ўзбекистонда масофавий таълимни алоҳида таълим шаклида амалиётга тадбиқ этиши зарурияти асосланган.

Калит сўзлар: ахборот-коммуникация, телекоммуникация, анъанавий таълим, Интернет, замонавий ўқитиш, масофавий таълим,

КИРИШ. ХХІ асрда инсоният цивилизациясида янги ривожланиш даври ахборотлашган жамият даври бошланди. Бу информатсион-телекоммуникатсиянинг жадал ривожланиши, ахборот технология-ларни тезкор тарқалиши, жамият ривожланиш жараёнларининг глобаллашуви, халқаро коммуникатсион ҳаёт муҳити, таълим, мулоқат ва ишлаб чиқаришни шаклланиши ҳамда инфосферанинг ривожланиши билан характерланади. Ахборотлашган жамиятнинг ташкилий-технологик асосини глобал информатсион тармоқ - Интернет ташкил этади [1].

Телекоммуникациянинг тезкор ривожланиш жамият ҳаётининг сиёсий, иқтисодий, таълим, маданият, маиший хизмат, хавфсизлик каби турли соҳаларида ноанъанавий янги ва қулай имкониятлар яратмоқда. Жамият ривожининг янги шарт-шароитлари ахборотлашган жамият талабларига жавоб берувчи замонавий ўқитиш технологияларидан фойдаланиб янги мутахассисларни тайёрлашни вазифа қилиб қўймоқда [2].

Глобал Интернет тизимининг ривожланиши жаҳон таълим тизимида эволюцион такомиллаштиришнинг янги истиқболларини очиб берди. Бугунги кунда анъанавий таълим услублари Интернет, электрон-компьютер сетлари ва телекоммуникатсия муҳитига асосланган янги ўқитиш услублари билан тўлдирилмоқда. Интернет технологияга асосланган телеўқитиш ва масофавий таълим бир қатор янги функцияларни бажариш билан бир қаторда, ўзаро

тақсимланган ҳамкорлик принципи, интеграция, халқаро Интернет тармоғига кириш каби аниқ принципларни амалда қўллашни талаб этади [3].

ТАДҚИҚОТ МЕТОДЛАРИ

Тадқиқот жараёнида илмий ва ўқув-услубий адабиётлар таҳлили, педагогик кузатув, қиёсий таҳлил, умумлаштириш, педагогик тажриба-синов ва форсайт методларидан фойдаланилди.

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ ВА МУҲОКАМАЛАР

4К видео студио технологиясида тасвирга олиш тартиби бунда профессор-уқитувчи утиладиган мавзу юзасидан яхши таёргарликка эга бўлиши, нутқ маданиятида естетик ва этика қоидаларига амал қилиши, сузларнинг раво бе хато айтилишига етибор бериши керак. Фаннинг моҳиятини кўпроқ чизмалар ва графиклар асосида тушунтирилиши талаб этилади. Тасвирга олиш жараёнида профессор-оқ ва қорв либосда бўлиши лозим. Такдимот материали юқори сифат ва дид билан тайёрланган бўлиши лозим, Такдимот материалида фойдалиниланган ёзувлар оқ, орқа фон эса қора рангда бўлиши лозим, Такдимот материалида мавзуга оид матнлар жуда зич ва кўп бўлмаслиги керак, Такдимот материалининг “4х3” ҳажмдаги версияси ҳам бўлиши керак, Танланган мавзунини ёрқинроқ ёритилиши учун чизма ва графиклардан ҳамда. маърузачи ўз нутқидан фойдаланиши керак.

Видеодарс ёзиш учун қўйиладиган талаблар:

1. Маърузачи оқ ва қора либосда бўлиши лозим.
2. Такдимот материали юқори сифат ва дид билан тайёрланган бўлиши лозим.
3. Такдимот материалида фойдалиниланган ёзувлар оқ, орқа фон эса қора рангда бўлиши лозим.
4. Такдимот материалида мавзуга оид матнлар жуда зич ва кўп бўлмаслиги керак.
5. Такдимот материалининг “4х3” ҳажмдаги версияси ҳам бўлиши керак.
6. Танланган мавзунини ёрқинроқ ёритилиши учун чизма ва графиклардан ҳамда. маърузачи ўз нутқидан фойдаланиши керак.

Малумотларни ёритиш икки хил услубда бўлади. Булар Махсус ОБС дастурида такдимот материаллари ёрдамчи экранга чиқарилади ва маърузачи ёрдамчи экранга таянган ҳолда, узининг видео дарсларини тингловчига, 4К видео студио технологияси ёрдамида узатади. Иккинчи усул эса маърузачи узининг такдимот материалларини махсус планшет орқали экранга узатади ва ОБС дастури орқали синхронизатсия қилади, натижада тингловчига узатилади.

Юқоридаги тартиб асосида 4К видео студио технологиясида тасвирга олинган видео ва аудио дарслар тингловчида фан бўйича етарли билим олиш жараёнини таъминлайди.

Видеоконференциялар ҳам аудиоконференциялар каби мақсадларга йўналтирилган бўлиб, видеоаппаратларни қўллаш билан фарқланади. Уларнинг ўтказилиши ҳам компютер иштирокини талаб қилмайди. Видеоконференция

жараёнида бир-биридан масофавий узоқлашган иштирокчилар телевизор экранида ўзларини ва бошқа иштирокчиларни кўришлари мумкин. Телевизион тасвир билан бир вақтда овоз бошқаруви ҳам узатилади. Видеоконференциялар транспорт ва йўлланма харажатларини камайтиради. Видеоконференцияларни куришнинг уч конфигурацияси оммавийдир: бир томонлама видео ва аудиоалоқа. Бу ерда видео ва аудиосигналлар бир йўналишда юборилади, масалан, лойиҳа раҳбаридан бажарувчига; бир томонлама видео ва икки томонлама аудиоалоқа. Икки томонлама аудиоалоқа видеотасвирни қабул қилаётган конференция иштирокчиларига видеохабар жўнатаётган иштирокчи билан аудио ахборотлар алмашиш имконини беради; икки томонлама видео ва икки томонлама аудиоалоқа. Бундай анча мураккаб бўлган тузилишда конференциянинг барча иштирокчилари икки томонлама видео ва аудиоалоқадан фойдаланадилар.

Видео конференция икки ёки ундан ортиқ жойларда одамларнинг алоқа конференция ускуналари ва тармоғи орқали юзма-юз суҳбатлашадиган учрашувни назарда тутди. Иштирок этадиган жойлар сонига қара, видео конференция нуқтадан нуқтага конференция ва қўп нуқтали конференцияга бўлиниши мумкин.

Кундалик ҳаётда одамлар суҳбат мазмунини хавфсизлиги, конференция сифати ва конференция миқёси бўйича ҳеч қандай талабларга эга эмас. Улар Вечат, Скийе каби видео дастурлардан видео суҳбат учун фойдаланишлари мумкин. Давлат органлари, корхоналар ва муассасаларнинг бизнес видео конференцияси барқарор ва хавфсиз тармоқ, ишончли конференция сифати, расмий конференция муҳити ва бошқа шартларни талаб қилади, шунинг учун профессионал видео конференция ускунасида фойдаланиш ва махсус видео конференция тизимини яратиш керак. Бундай видео конференция тизимлари қўрсатиш учун телевизордан фойдаланганлиги сабабли улар видео конференция деб ҳам аталади.

Видеоконференция тизимидан фойдаланган ҳолда, иштирокчилар бошқа жойларнинг овозини эшитишлари, иштирокчиларнинг бошқа жойларда тасвирлари, ҳаракатлари ва ифодаларини қўришлари ва иштирокчиларни иммерсиве ҳис қилишлари учун электрон тақдимот контентини юборишлари мумкин.

4K видео студио технологиясида ҳам тасвирга олинган видео ва аудио дарсларни турли видеоконференцияларда фойдаланиш мумкин. Видеоконференция жараёнида биз 4K видео студио технологиясида ҳам жонли эфир жараёнини амалга ошириб бунда марузачи ўзининг контентини орқали видеоконференцияда иштирок этиши мумкин. Бугунга келиб турли хил илмий ва амалий конференцияларда 4K видео студио технологияси ёрдамида зом платформаси билан интеграциялаш орқали профессор-ўқитувчиларнинг ўзининг сифатли контентлари билан қатнашдилар. Бу конференциялар нафақат ўзимизда балким хориж илмий ва амалий турли хил халқаро конференцияларда ҳам 4K видео студио технологияси

ёрдамида жонли эфирлар амалга оширилди ва тингловчиларга марузачи томондан юқори сифатли кантент узатилди. Бугунга келиб 4K видео студио технологияси ёрдамида ўттиздан ортиқ илмий ва амалий конеринсияларда тингловчиларга марузачи томондан юқори сифатли кантент узатилди.

4K видео студио технологиясида Мисрософт теамс, гоогле меет ва бошқа конференсия ташкил қилувчи платформалари билан интегратсиялаш жараёни давом этмоқда. Ушбу платформаларда амалга оширилган жонли марузалар, тингловчиларнинг малум сохалар буйича етарли билим ва куникмаларни узлаштириш жараёнини янада яхшилаиди.

4K видео студио технологиясида Мисрософт теамс, гоогле меет ва бошқа конференсия ташкил қилувчи платформалари билан интегратсиялаш жараёни билан бир вақтда марузачи томонда узатилаётган сонтент бир вақтнинг узида ёу тубе, фасебоок ва бошқа жонли эфирни қуллаб қуватлайдиган платформаларга узатиш имкониятига эгадир.

ХУЛОСА. Масофавий таълимда мустақил таълимни ташкил этишда телекоммуникация ўқув лойиҳаларидан фойдаланиш технологияси жараёнлари таҳлилий қисмлари ўрганилди. Масофавий таълим учун 4к видеостудиясида видео машғулотлар ёзиш технологияси масофавий таълимни ташкил этиш жараёнлари учун таҳлил қилинди ва тадқиқ қилиш натижалари ўрганилди. 4К видеостудиянинг тузилиши, ишлаш принципи, қурилмаларининг техник параметрлари таҳлил ва тадқиқ қилинди. 4К видео студиода рақамли қурилмаларнинг таснифи ва ишлаш принципи таҳлил ва тадқиқ қилинди. 4К видеостудия ёрдамида видео машғулотларни тасвирга олиш тартиби таҳлил ва тадқиқ қилинди.

АДАБИЁТЛАР:

1. Абдукадиров, Абдукаххор Абдувакилевич. Масофали уқитиш назарияси ва амалиёти. монография / А. А. Абдукадиров, А. Х. Пардаев; ред. М. Содикова. - Т. : Ўзбекистон республикаси фанлар Академияси " ФАН " нашриёти, 2009. - 145 с
2. Ракҳимов, О., Эҳсев, С., Латипов, С., Ракҳимов, Ж. (2022). **Поситиве анд Негативе Аспестс оф Дигитализатион оф Хигхер Эдусатион ин Ўзбекистан. АИП Сонференсе Просеедингс**, 2432, арт. но. 030067. дои: 10.1063/5.0089690
3. Рахимов О. Д. Реқуирементс анд течнологй фор креатинг э-леарнинг ресоурсес //Современное образование (Ўзбекистан). – 2016. – Т. 202. – С. 45-50.
4. Парпиев А., Марахимов А., Ҳамдамов Р., Бегимкулов У., Бекмурадов М., Тайлоқов Н. Электрон университет. Масофавий таълим технологиялари ЎЗМЕ давлат илмий нашриёти. -Т.: 2008, 196 б.
5. Рахимов О. Д. эт ал. Модерн эдусатионал течнологиес //Ташкент," Ссиенсе анд Течнологй" Публишинг Ҳоусе. – 2013.

6. Рахимов О. Д. и др. Замонавий таълим технологиялари //Т.:“Фан ва технология нашриёти. – 2013.

7. «Подготовка и проведение учебных курсов в заочно-дистансионной форме обучения» Методические рекомендации преподавателям. Изд-во СПбГТУ, 2000
Под редакцией профессора И.А. СИКИНА

8. Раҳимов О. Д. эт ал. Унусед оппортуниетес: дистансе эдусатион ин Узбекистан //Ссиентифис жоурнал. – 2021. – №. 3. – С. 58.

9. Раҳимов О. Д., Чоршанбиев З. Э. Проспестс фор тхе апплисатион оф дигитал течнологиес ин траининг тхе" лабор протестион" соурсе //Еуропеан Жоурнал оф Лифе Сафетй анд Стабилитй (2660-9630). – 2021. – Т. 2. – С. 34-40.

10. «Интернет обучение: технологии педагогического дизайна» Моисеева М.В., Полат Е.С., Бухаркина М.Ю., Нежурина М.И., Москва, 2004.

